



ХОТИРАЛАРДА АДИБ ҚИЁФАСИ

Шоира Ахмедова,

Осиё халқаро университети профессори

Аннотация. Мемуар-биографик адабиётда эсдаликлар хотираларнинг ўрни катта, шунинг учун ёзувчи хотираларини ўрганишнинг муҳим аҳамияти бор. Мазкур мақолада болаларнинг севимли шоири, адиб, серқирра ижодкор Анвар Обиджоннинг хотиралари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: адиб, хотира, мемуар, ижодкор, ҳаёт фалсафаси, образ, эсдалик, болалик хотиралари.

Abstract. Memories play a large role in memoir-biographical literature, therefore, the study of the writer's memories is of great importance. This article examines the memories of Anvar Obidjon, a beloved children's poet, writer, and multifaceted creative person.

Keywords: writer, memory, memoir, creative person, philosophy of life, image, memory, childhood memories.

”Ёзувчи, ижодкор шахсини ўрганиш, тадқиқ этиш - бизнинг адабиётшунослигимиздаги энг оқсоқ соҳалардан бири. Адабиёт дарсликларидаги машҳур адиблар ҳаёти талқинини бир эслаб кўринг. Гарчи уларда ёзувчи ҳаёт йўли- биографиясига оид факт-ҳодисалар анча кенг баён этилса-да, улар шахсияти хусусида деярли ҳеч нарса айтилмайди, чунончи, бир авлодга мансуб тенгдош адиблар, масалан, Қодирий, Чўлпон, Фитрат ёки Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор деярли бир хил одамлар сифатида гавдалантирилади. Бу адибларнинг шахс-инсон сифатидаги фарқи уларнинг дунёқараши, ижодининг мафкуравий асосига қараб белгиланади”-деб ёзади У. Норматов¹. Ҳақиқатан ҳам Шўро даврида ёзувчи –шоирлар ижоди ҳаддан ташқари ижтимоийлаштирилди. Биз Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, қолаверса,

¹ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Тошкент. Маънавият. 2000.87-бет.



Саид Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи аслида қанақа одамлар эканини билсак ҳам, адабиётшунослар улар ҳақида ёзганда кўпинча одат тусини олган расмий андазалар доирасида иш кўришган. Шу боис ёзувчи ва шоирларнинг ўз ҳаёти ҳақида ёзган асарлари – у хотирами, эсдаликларми, эссеми, қиссами - қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, уни севган китобхон учун қизиқарли бўлиши табиий.

Ўзбек адабиётида эсдаликлар, автобиографик асарлар ёзиш анъанаси мумтоз адабиётдан бошланган бўлса-да, XX асрга келиб ривожланган, унинг юксак намуналарини С.Айний, А.Қаҳҳор, Ойбек каби сўз санъаткорлари яратишган эди. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ҳам устозлари изидан бориб, “Ажинаси бор йўллар” деб номланган автобиографик характердаги хотира-қиссасини яратиб, таглавҳада “турмуш кечинмалари” деб ёзиб қўйганки, бу ҳам асарда адибнинг ўз умри йўлларига бир назар ташлаганлигидан далолат беради, адибнинг ўзи “Бошлов”да таъкидлаганидек, борини ёзмаса “...умр ҳақиқатлари рамзи сифатида идрок этилгучи “Эсдалик” аталмиш сўз азалий қимматини йўқотади”. Шунинг учун адиб ўз ҳаёт йўли ҳақидаги асарини рамзий равишда “Ажинаси бор йўллар” деб атаганки, сарлавҳанинг ўзиёқ китобхонда муайян қизиқиш уйғотиши табиий.

Асарда китобхон ёзувчининг болалиги, шахсий ҳаёти, қалбида кечган ўйлари, орзую армонлари билан чуқур танишади. Адибнинг адабиётга кириб келиши, ҳаётга, атрофидаги одамларга муносабати борича, ҳаққоний тасвирланадики, самимий ва табиий иқдорлар ўқувчини ижодкор оламига яқинроқ олиб боради. Ижодкорнинг турли жанрдаги асарларини ўқиган бўлса-да, китобхон унинг қалби, шахсияти билан ўзи ва яқинлари ҳақидаги ҳикоялари орқали янада яқин танишади. Ўзбек китобхонлари Анвар Обиджонни асосан болалар шоири, носир сифатида билишади. “Ажинаси бор йўллар” қиссаси эса унинг инсон ва ижодкор сифатида шаклланиши, катта ҳаёт, адабиёт оламига турли сўқмоқларни босиб, қийинчиликлар билан кириб келганидан шаҳодат беради.



Қиссанинг бош қаҳрамони адибнинг ўзи, шу билан бирга унда ижодкорнинг яқинлари, дадаси ва онасининг образлари ёрқин тасвирланади.

Қисса қаҳрамони ўспирин Анварнинг ростгўйлиги, воқеа-ҳодисаларга муносабати ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Масалан, унинг шўро даври ҳақидаги хотираларидан: “У даврда пахта сиёсати ўта тажовузкор эди. Қўриқ ерлар тинимсиз ўзлаштирилар, боғларни бузиб, зовур дўнглари текислаб, йўл четидаги ариқ ёқасидаги уватларни торайтириб бўлса ҳам кўпроқ гўза экишар, пахтазорлар кўпинча хонадонларнинг деворига бориб тақалар, томларгаям чигит қадагилари келарди (бундан Орол денгизи қуриб бораётганини ҳали билмасдик)”¹. Бу аччиқ ҳақиқатни ўша даврда яшаган инсонлар яхши билишади. Мустақиллик болалари эса ўтмишдаги ҳақиқий аҳволдан, ота-боболари қандай яшаганлигидан хабардор бўлишлари, бугунги кунларимизнинг қадрига етишлари учун ҳам эсдаликлар, хотиралар яратилиши зарур, қиссанинг муҳим аҳамиятли томонларидан бири ҳам мана шунда.

Қисса қаҳрамони газетага адабий ходим бўлиб ишга жойлашгунга қадар турли касбларнинг бошини тутди: табелчи, буғолтир (ҳисобчи), клуб мудир, Россияга бориб келадиган ишбилармон, радионинг қишлоқ хўжалик бўлимида ўзи айтганидек, “югурдаклик”, боғбонлик ва ҳоказо. Аммо адабиёт унинг қисмати эканлигини англаб, ёзади: “Китобим чиққач, шоирликка кучлироқ берилдим. Ҳануз болалар ва катталар учун аралаш-қуралаш ёзардим. Ҳажвий ҳикояларга кўлим анча келиб қолганлигидан чуччам кўтарилиб, насрга ҳам кенгроқ кўламда қўл ура бошладим” (39 бет).

Унинг адабиётга кириб келишида бағри кенг инсонларнинг роли катта бўлган, айниқса, эътиқоди баланд шоир Миразиз Аъзамнинг унга қилган яхшиликлари ҳақида адиб тўлиб-тошиб гапиради. Пўлат Мўмин, Э.Воҳидовларнинг инсоний фазилатларини кўрсатиш орқали бугунги

¹ Анвар Обиджон. Ажинаси бор йўллар. Қисса. “Шарқ юлдузи”. 2014. № 2. 34-бет. (бундан кейин шу журналнинг саҳифалари кўрсатилади).



ёшларимизнинг маънавиятини бойитиш, ана шундай улуг инсонлардан ибрат олишга чақиради.

Қисса давомида қахрамоннинг характери ўзгариб борганлиги кўринади: ўжар, инжиқ табиат ўспириннинг ижодкор сифатида шаклланишида ўз олдига кўйган мақсадига эришиш йўлида чекинмайдиган инсонга айланиб бориши ёрқин намоён бўлади, масалан унинг ростгўйлиги: “Навоийга тишим ўтавермас, Машраб, Фурқат, Муқимий, Огаҳий, Махтумқули, Бобурларни кўп мутоалла қилардим, ўзбекчага ўгирилган шоирлардан Есенин, Гейне, Бёрнс назмини хуш кўрардим” каби мулоҳазаларида ёрқин намоён бўлади.

Қиссанинг “тугаллов”ида Анвар Обиджон шундай ёзади: “Ҳар юмушда етти ўлчаб бир кесишинг, етмиш ўйлаб бир сўзлашинг, оғирчиликларга, ноҳақликларга, кадрланмасликларга, ифвогарликларга, ҳаттоки, камситишларга – ҳамма-ҳаммасига сабр-тоқат билан чидашинг, ўзингни гоҳ анқовликка, гоҳ омиликка, гоҳ карликка солиб яшашинг; бири-бирдан дағдағдор девларнинг оёғи остида мажақланганча буткул номнишонсиз йўқолиб кетмаслик учун тиришиб-буришиб кучанмоғинг керак бўлади”. Адибнинг бу ўғитлари ҳаётга қадам қўяётган, ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётган ҳар бир ёш учун дастуруламал бўла олади. Муҳими, реалист адибнинг бу хотиралари унинг ўзи ҳақида, у яшаган замон ва қандай машаққатли йўллари босиб ўтганлиги ҳақида самимий ҳикоя қилади. Қиссани ўқиган китобхон кўз олдида Ўзбекистон халқ шоири бўлиб етишиш Анвар Обиджон учун осон бўлмаганлиги, севимли болалар шоири бўлишдек юксак унвонга эришиш йўлида қанчадан-қанча “ажинаси бор йўллар”ни босиб ўтганлиги яққол кўринади.

Бу ҳақда Саид Аҳмад ёзади: “Устозларимизнинг умри фақат минбарларда, олқишу гулдурас қарсақлар остида ўтган эмас, оддий бир инсон сифатида, ғам-андух чеккан пайтлари ҳам, дилига озор берган дўстларидан ранжиган дамлари ҳам кўп бўлган”. Шунинг учун ҳаёт ҳақида нимаики билса, ҳаммасини қоғозга тушириш, ўзи ҳаётда қандай яшаган бўлса шундайича



ёзиш, оддий инсон сифатида ўзини бор ҳолича кўрсатиш, ўзи яшаган йиллардаги қалтис вазият, жоҳилона адабий сиёсатни, “турмуш кечинмалари”ни, зиддият ва чигал муносабатларни бутун кескинлиги, шафқатсизликлари билан гавдалантириш, “ажинаси бор йўллар”ни қандай босиб ўтганлигини ҳаққоний кўрсатиш ва шу типдаги асарлар ёзиш халқ севган ҳар бир ёзувчи учун бош мақсадга айланса. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур хотира-қисса Анвар Обиджоннинг ҳаёт йўлини ёритувчи, унинг китобхонга қизиқ туюладиган, асарларида топиш мумкин бўлмаган қирраларини очиб беришда маълум аҳамиятга эга. “Ажинаси бор йўллар” хотира-қиссаси типдаги асарлар ёзувчи ва шоирлар ижодий эволюциясини тўғри англаш, бадий ижоднинг ўзига хос томонларини ҳаққоний таҳлил этиш, ёзувчи ҳаёти ва ижодининг қадри, адабий жараёнда ва халқ ўртасидаги ўрни юзасидан тўғри хулосалар чиқаришда муҳим ўрин тутиши ва адибнинг илмий биографиясига оид янги тарихий-маърифий кузатишлар ҳамда қарашларнинг илгари сурилишида ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу хотира-қисса шоирнинг мукамал қиёфасини ҳар томонлама тасаввур қилишга маълум даражада ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Анвар Обиджон. Ажинаси бор йўллар. Қисса. “Шарқ юлдузи”. 2014. № 2. 34-бет.
2. Akhmedova, Shoir, and Sofiya Mahmudova. "ABU ALI IBN SINA ON A CRITICAL BIOGRAPHICAL ESSAY." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.7 (2022): 795-799.
3. Nematovna, Akhmedova Shoir. "GENRE OF LITERARY PORTRAIT IN THE WORKS OF ALISHER NAVAI." *SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА*: 127
4. Axmedova, Shoir. "THE ROLE OF THE JADID PRESS IN THE FORMATION OF UZBEK LITERARY CRITICISM." *Конференци*. 2021.



5. Ахмедова, Ш. Н., & Назарова, Д. (2021). Адабий портрет жанрининг назарий жиҳатлари хусусида. *Международный журнал искусство слова*, 4(3).
6. Ахмедова Ш. Н. Хуршид Давроннинг адабий–эстетик қарашлари. //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 6.2. Махсус сон. – С. 20-28.
7. Ахмедова Ш.Н. "Прогресс портретописания в период глобализации в литературоведении." *Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития* (2019): 12-14.
8. Ахмедова Ш.Н. Лосеева-Танем Бахтияри, and Насима Саидбурхановна Кадилова. " On the Creative Specificity of Literary Criticism." *Miasto Przyszłości* 42 (2023): 326-329.
9. Глушков Н.И. Очерковые формы сов.литературе. – Изд. Ростовского университета. 1969. – С.178.
10. Davronova S. Eastern and western literary tradition in the modern uzbek novels //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).
11. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1987. – С. 123.
12. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Тошкент. Маънавият. 2000. 87-бет.